

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2004 йил 9 январь, №6 (3280)

Жума

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги, 2004 йил бошланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар ҳамон келиб турибди.
Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш ва унинг рафиқаси Лора Буш хоним йўллаган табриқда шундай дейилади:


«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийлари ва Татьяна Каримова хонимга

Хозирги байрам кунларида ва ҳаммиса эътиқод, оила ва дўстлик қувончидан баҳраманд бўлишингизни тилаймиз».

Шунингдек, қуйидагилар ҳам ўз табрикномаларини йўллаган:

- Хитой Халқ Республикаси Марказий ҳарбий кенгашининг Раиси Цзян Цзямини.
- Туркия Республикаси Президенти Ахмет Неждет Сезер.
- Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Таййип Эрдоган.
- Сурия Араб Республикаси Президенти Башар ал-Асад ва унинг рафиқаси Асма ал-Асад.
- Ирландия Президенти Мэри Мак Эллис.
- Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус.
- Словения Республикаси Президенти Янез Дрновшек.
- Литва Республикаси Президенти Роландас Пахас.
- Исландия Президенти Олавер Рагнар Гримссон.
- Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Чан Дик Лионг.
- Корея Халқ Демократик Республикаси Давлат Мудофаа кўмитаси Раиси Ким Чен Ир.

14 январь — Ватан ҳимоячилари кuni



ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА

Мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислам Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон учун, бугунги ва келажақ авлод учун энг катта бойлик — элнинг тинчлиги ва осойишталигидир. Шу боис бебаҳо бойлигимиз — юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Халқимизнинг тинч, осуда ҳаётини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси муҳим ўрин тутadi. У замонавий қурол-аслаҳа ва алоқа воситалари, техника билан таъминланган кўп сонли жанговар қўшиндир.

Хизматини чегара қўшинлари сафида ўтаётган ҳарбийларнинг нафақат соғлом, жисмонан бақувват, балки замонавий ҳарбий техника бошқаришни пухта ўзлаштириши ва маънавий етуқлиги кўмита раҳбариятининг доимий эътиборида. Булар эса чегара қўшинларида олиб борилаётган ислохотларнинг асл моҳиятини ташкил этаётди. Шу боис ҳарбий қисмлар

шахсий таркиби ўртасида тарбиявий, ҳуқуқий, маърифий ва маданий ишларнинг барча турларидан кенг фойдаланилмоқда. Бунда ҳарбий қисмларро ташкил этилаётган турли мусобақалар, Қуролли Кучлар фахрийларини, таниқли адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашувлар, маърифий-маданий тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ўз навбатида бу ҳар-

бий қисмларнинг шахсий таркиби сафларидан қўллаб жанговар хизмат аълочилари, билимли ва тажрибали, ўз касбини виждонан адо этиб, жасорат намуналарини кўрсатиб хизмат қилаётган жангчилар етишиб чиқмоқда.

Генерал-майор Илхом Ибрагимов командирлик қилаётган «Жануб» минтақавий штаби тасарруфидagi ҳарбий қисмларнинг жангчилари ҳам Ватан ҳимоячилари кунини жанговар ва оёй тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришган ҳолда қутиб олмақда. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан Ватан олдидаги муқаддас бурчини адо этиш учун

(Давоми 2-бетда)

Бугунги кунда Ҳарбий Ҳаво Кучлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг энг юқори маневрланган қўшин турларидан бири ҳисобланади. Улар куруқлик қўшинларини авиацион жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳаво десантчиларини ташлаш, қўшин ва моддий воситаларини ҳаво орқали ташини, ҳаво разведкасини юритиш каби вазифаларни бажаришга мўлжалланган.

Ҳарбий Ҳаво Куч-

лари самарали қурол-аслаҳалар, навигация воситалари, радио-электрон қурималар билан таъминланган замонавий самолётлар, вертолётлар, учувчи аппаратларга эга бўлиб, улар об-ҳавонинг ҳар қандай шароитида, турли баландиқларда жанговар вазифаларни бажаришга қодир.

СУРАТДА: (чапдан) кема командири, капитан Зайлиддин Эргашев ва командири ёрдамчиси, капитан Денис Николаев.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Президентга мактуб

Президентимиз Ислам Каримов ўтган йил ёзида Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига ташриф буюриб, жойларда қишлоқ ҳўжалиги ишларининг бориши, деҳқонларнинг аҳволи билан яқиндан танишган эди. Мамлакатимиз раҳбари бир мулоқот чоғида, деҳқонга буйруқ бериш эмас, уни ўз меҳнат самарасидан манфаатдор бўлишига ишонтариш керак, деган фикрни билдирганди. Дарҳақиқат, қўллаб-қувватлаш ширкат аъзолари ўтган мавсумда юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Ана шундай ажайиб ютуқларни қўлга киритган Шаҳрисабз туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги оилавий пудратчиси Яҳё бобо Эргашев ҳамда Вобкент туманидаги И. Наимов номидаги ширкат ҳўжалиги оилавий пудратчиси Соҳида Бердиева яқинда Президент совғаси — «Нексия» ва «Матиз» автомашиналари билан тақдирланди.

Бундай юксак эътибор ва ҳурматдан хурсанд бўлган Яҳё бобо Эргашев Юртбошимиз номига мактуб йўллаб, ўз дил изҳорини баён этди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

МЕҲНАТНИНГ ҚАДРИ



«Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич!

Ешим етмишни қоралаб қолди. Шу умрим мобайнида дунёнинг кўп насл-баландини кўрдим. Эсимни танибманки, деҳқончилик ташвиши, дала юмушлари билан елиб-юзураман. Очигини айтишим керак, деҳқончиликнинг, айниқса, пахтачиликнинг нони қаттиқ. Лекин сийқидилдан тер тўқиб, меҳнат қилсанлардан она еримиз ҳам саховатини аямайди.

Худоба минг қатла шукур, Ватанимиз мустақилликка эришгач, бевосита Сизнинг ташаббусиниз билан қишлоқ ҳўжалиги соҳасида жуда катта ислохотлар амалга оширилди. Ерга чин маънода эғалик қилаётган деҳқонларнинг манфаатдорлиги орқали, рўзгорига қўн-бароқа кирди. Айниқса, галла мустақиллиги боис оғирларимиз донга, дастурхонимиз нонга тўлди.

Биз ҳам камирим Улаш Улуғова билан бамаслаҳат 14 нафар фарзандимизни ёнимизга олиб, 16 гектар ерда оилавий пудрат асосида деҳқончилик қилиб келмоқдамиз. Ҳар гектар ердан 40-45 центнердан ҳосил кўтариб, кам бўлмадик. Шунинг орқасидан ўғли уйлантириб, қиз чиқардик, уларни уйли-жойли қилдик.

Айниқса, Сизнинг 2003 йил август ойидаги Қашқадарёга ташрифингиз бутун вилоят аҳли қаттори бизнинг оиламизга ҳаётда ҳам энг унутулмас, қувончли кун бўлиб қолди. Шу кунни камтаро меҳнатимизга берган юксак баҳонингиз қаддимизни янада баланд қилиб, бошимизни кўкка етказди.

Халқимизда «Улуғларнинг назари тушган киши кам бўлмайди» деган нақл бор. Менинг бахтим шундаки, фарзандларимиз Сизнинг назарингиз тушиди. Энди болаларим ҳеч қимдан кам бўлмайди. Ана шу ишончдан куч, ғайрат олиб, об-ҳаво нуқулай келган ўтган йилда биз оиламиз аъзолари билан биргаликда ҳар гектар ердан 55 центнердан пахта ҳосили олиб, давлат бюртимасини 172 фоиз қилиб бажардик.

Омад келса, қўшалоқ бўлиб келаркан. Ширкат ҳўжалигимиз шартнома режасини бажарган кунни бизнинг оиламизга Президент совғаси — «Нексия» энгил машинаси топширилади. Истиқлол шарафати боис пахтакорларнинг камтаро меҳнати шунчалик қадрланаётганидан қўлбимиз чексиз гурурга тўлди.

Бундай юксак эътибор учун ўзим ва оила аъзоларим номидан Сизга миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз ободлиги йўлидаги фидокорона меҳнатинида омадлар тилайман. Барча элзуниятларингиз рўёбга чиқишига Яратганнинг ўзи мададор бўлсин. Эҳтиром билан,

Яҳё бобо ЭРГАШЕВ,
«Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги оилавий пудратчиси».

Довон хавфсизлиги йўлида

Маълумки, «Ташкент — Ўш» автомобиль йўли мамлакатимизнинг энг йирик транспорт йўлакларидан ҳисобланади. Маълумотларда қайд этилишича, бу ердан ҳар кеча-кундузда ўн-беш мингга қич турли хил русумдаги транспорт воситалари ўтаркан. Бироқ қиш мавсуми бошланиши билан, бу ерда қалин қор ёғиши, йўлларнинг музлаши, ён-атрофини қуюқ туман қоплаши ва қор қўқчилари содир бўлиши кузатилади. Бу эса, табиқий, йўловчиларга бир қатор нуқулайликлар келтириб чиқаради. Айрим ҳолларда эса бундай жараёнлар йўловчиларга жиддий хавф туғдириши ҳам

мумкин. Кеча республика Фавкулдада вазиятлар вазирилик, Ички ишлар вазирилик, Соғлиқ сақлаш вазирилик, «Узавтйўл» Давлат концерни, «Бошгидромет» бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган махсус ўқув машғулотли ана шундай табиқий оғирликнинг олдини олишга қаратилди.

«Ташкент-Ўш» йўлининг 158 километридаги доводда бўлиб ўтган мақсур машғулотда ҳозир бўлишган кидирув-қутқарув отрядлари нуқулай об-ҳаво шароитига қарамастан, йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, нуқуш оқибатларининг

таъсирини зудлик билан бартараф этиш, қўчки остида қолганларни қидириб топши, нефть махсулотларини орттилган автомобилларнинг эҳтиётсизлиги туфайли содир этилган ёнғинини ўчириши ва жабрланганларга шоякин тез тиббий ёрдам кўрсатиши ишларини мувафақиятли бажаришди. Айниқса, бунда тоғли худудларда эмин-эркин ҳаракат қилиш бўйича катта тажриба тўплаган «Қамчиқ» доводни қутқарувчилари бошқаларга намуна кўрсатишди.

Р. ЁРЛАҚАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД) ҳамкорлигида мамлакатимизда

Тинчлик номидан меҳр-мурувбат

«Тинчлик номидан озик-овқат» дастурини амалга ошираётган «Сити Хоуп Интернешнл» хайрия ташкилоти Жиззах вилоятига 2 тоннадан зийдат кўрилган сервитамин сабзавот махсулотлари кел-

тирди. Болаларга, ёш болали оналарга ҳамда беморларга мўлжалланган

Хайрли тadbир

«Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси ва Бектемир тумани ҳўкимлиги хайрия тadbирни ўтказди. Ёрдамга муҳтож ногиронлар ва етимларга, боқувчисини йўқотган, серфарзанд оилалар ва ёлғиз қарияларга Ҳамхўрлик кўрсатиш ишларига маъраччилик эътиборини қаратиш тadbирининг асосий мақсади эди.

Тadbир ниятида «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси томонидан 505 миң сумлик истеъмо моллари Бектемир туманидаги ёрдамга муҳтож оилаларга топширилди.

Комил ЁРИЕВ,
ЎЗМУ талабаси.

Саломатлик ва спорт

«Соғ танда — соғлом ақл» дейишлари беҳиз эмас. Ҳар қандай давлатнинг қудрати унинг фуқаролари сиҳат-саломатлиги билан белгиланиши ҳаммага аён. Аммо гоҳида соғлигимиз ўз қўлимиздагини унутиб қўямиз. Тиббиётга ҳаддан ортиқ масъулият юклаб, ундан жуда кўп нарса қуттишга ўрганиб қолганмиз. Ойимизда «Касал бўлишнинг, тиббиёт даволаб қўйсин» деган фикр қаттиқ ўрнашиб олганлиги рост. Ахир, ўйлаб кўринг-чи, инсон йиллар давоминда касалликни тўпалаб юрса-ю, ўн кун ичда овқат турғизиб юборишни тиббиётдан талаб қилса, шу тўғрими?

Навбахор туманида Сирож Ҳамидов деган шифокор дўстим бор. Соғлиқдан нолиб гапирувчилардан, аввало, «Пул афзалми, ё соғлиқ?» деб сўраб олади. Бу саволни ноўрин ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас. Аммо у «Яшаш тарзингизни тузатиб, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиб» дейишни қанда қилмайди.

Ўйлаб кўринг-чи, ушбу фикрга қўшилмаслик мумкинми? Дўстим айрим одамларнинг ўз соғлиғига нисбатан бефарқлигини исботлашдан асло қармайди. Унинг айтишича, тан ва руҳ саломатлигини бор-йўғи 10 фоиз холдагина таъабот билан боғлаш мумкин. Яна у дейдики, «Газетадан ўзим ўқиганман, Хитойдек улкан давлат аҳолисининг 200 миллиондан кўпроги ҳар кун гимнастика машқларидан бири — ушбу билан шуғулланар экан. Соғлиқ битта, касаллик мингта. Ҳар қандай хасталик чўнтагимизга, қолаверса, давлат манфаатларига зийн. Хитойликлар англаб етган

Пул соғлиқдан афзалми?

ҳақиқатни нега сиз тушунишни истамасиз?!» Унинг ҳақиқини яна қуйидаги мисолда аққол сезгандек бўлган. Навобий шарҳидаги «Олтин сув» хавзаси қошида «Саломатлик» тўғрисидаги бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатади. Мунтазам қатновчилар 400 нафардан кўпроқ. Ҳеч бири саломатлигиндан нолимайди. Сўнга тушадиган олдин гимнастика, аэробика ёки югуриш машқлари барқарорлиди. — Сузиш олдинда бажариладиган машқлар, доимий чўмилиш саломатлигини мизни мустаҳкамлайди, — дейди оилавий равишда бу ерга қатнаётган Назира Тўхтаева. — Шамоллашни билмаймиш, шахсан ўзим бош айланиб, кўз тиниш дарадидан фориғ бўлдим. Ҳаммиша ўзимни тетик, бардам ҳис эътаман. Турмуш

аралаш қўшиб қўяди. — Ҳар кунги 200 сум йўлқира ҳам ёнга қолаётми.

«...Навобий вилоятини чўл зонасида жойлашган, сув танқис минтақалар сирасига киритамиз. Лекин мамлакат сув спорти захираси айнан шу вилоятда. Демак, астойдил ҳаракат қилиш ва интилиш орқали ҳар қандай маррадан эғаллаш мумкин. Юртбошимиз бу сузларни шу йил 7 февралдан кўни Оксаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳўкимлик кенгашининг мажлисида айтган эди. Чиндан ҳам, қатъиятлик муваффақиятларга етакламоқда. Шу ўринда сув спорти бўйича ўндан ортиқ Ўзбекистон чемпиони, халқаро миқёсдаги спорт усталари Навобийдан етишиб чиққанлигини эслаб ўтиш қийин. Вилоят шахарларидаги 9 та су-

зиш хавзасига кунига 2 миңдан ортиқ киши келиб шуғулланади. Туманларда ҳам 10 дан зиёд сузиш хавзалари бор. Айни пайтда яна 17 та бассейн қурилади. Ҳозиргача шундай имкониятга эга бўлмаган болалар боғчаларига ёпиқ бассейнлар қуришга киришилди. Ҳўш, бундай ишонтлар қурилишига маблағ қаредан топиладими? Бир сўз билан айтганда, юртининг келажаги

ни ўйлаган инсонлар пулдан соғлиқни устун қўйишди-да. Сахро қўйнидаги Зарафшон шаҳрида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш, ёш қарини жалб этиш, оммавийликдан маҳорат сари кўтарилишда ўрганишга молик тажриба тўпланди. «Прогресс», «Қурувчи», «Қизилқум олтин» мажмуалари ва бошқа ўндан ортиқ спорт марказларида 177 миңга яқин киши жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқда. Бу — шахарликларнинг 27 фоиз спортига ошно, дегани. Муҳими, секцияларга қатнашувчилар сонини қанчалик кўпаймасин, жой ҳам, мурраббийлар ҳам етарли. Спорт иншоотлари қуриш, жиҳозлар харид қилишга пул аяммайди. Шу боис заррафшонликларнинг турмуш тарзи, саломатлик

даражаси ижобий томонга ўзгарганлигини ҳамма сезиб турибди. Бугина эмас, жаҳон, Осиё, республика чемпиони сони тобора кўпаймоқда. Бир неча спорт тури бўйича республика миқёсидagi мусобақалар учун айнан шу шахар танланаётгани ҳам беҳиз эмас. Шаҳар ҳўкимси Аҳмаджон Умаровнинг ўзи ракетка тутиб қорғта чиқди, вақт томи «Қизилқум» клуби ёшлари билан футбол ҳам ўйнайди. Парашют спорти туриларининг оммавийлашиб бораётганини мана шу фазилат билан боғлашди. Ҳоким аса спортни ривожлантириш ҳар бир раҳбарнинг вазифаси. Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган ислохотларнинг, замона талаби ақаллигини таъкидлайди. Сўнгра «Миллатимиз саломатлиги, келгуси авлодларнинг бақувват, мард бўлиб воғая этишининг бош омилли — спорт. Соғлом авлодгина ҳар ишга қодир» деган фикрларни тақдорлашни хўш кўради.

Спорт кишиларнинг кундалик турмушига тула сингиб бораётган, уларнинг эҳтиётчи айланаётган жойда турли хасталиклар қаммайиб, иш унумдорлиги ошаётганига мисоллар қўл. Зарафшонда шундай ҳолат кузатишмоқда. Кон-металлургия комбинати тизимидagi

(Давоми 4-бетда)

Элим деганни Элати сўйлар

Ўтган йил июнь ойининг йигирма биринчи кунини саҳари, анкроги, тунги соат тўртлар атрофида эди. Ойбек номи жамоа ҳўжалиги худудинда ва Бекобод туманининг Тожикистон Республикаси чегарасида турган соқчи йигитлар «учиб» келётган «Нексия»га «тўхта» ишорасини қилишди. Бироқ машинанинг шахди пасаймагач, йигитлар «огоҳлантириш ўқи»ни узишга мажбур бўлишди.

Огоҳлик

Машина зудлик билан орқага қайтди. Бироқ ҳайдовчи, ҳаяжон таъсиридан, автоуловини йўл четидagi қучурга тушириб юборди, унинг ичидagi кишилар транспортдан тушиб, қўшни республика худудига қараб «кўён бўлишди». Бу орада чегарачи йигитлар алоқа воситалари орқали ёрдамчи гуруҳни чақириб улгуришган, батамом жанговар ҳолатда эдилар. Ҳадемай, соқчилар ҳўшёрлиги туфайли тўхтатилган машина тинтув қилиниб, ундан 32 килограмм героин моддаси топилди. Шундай қилиб, қанчадан-қанча кишиларнинг ҳаётига оғу қўшувчи бу захри қотил бартараф этилди. Ана шу юмушни уддалаган чегарачи жасур йигитлардан бири — Хатирчи туманининг Қ. Раҳматов номи ширкат ҳўжалиги худудидан

дидан хизматга чақирилган Шойимардон Тўхтаев эди.

Шойимардон ва ўша тунги шериклари — Бобомурод Анорқулов, Шомурод Ҳакимов каби чегарачилар истиқлолнинг 12 йиллиги арафасида



сида Президентимиз томонидан «Жасорат» медали билан тақдирландилар. Муддатли харбий хизматини кўксига тақиб уйига қайтди. Яқинда вилоят мудофаа ишлари бошқармасида мудатли харбий хизматга келтаётган йигитлар билан «Жасорат» медали совриндорининг учрашуви ташкил

этилди. Хатирчининг ўғлини бўлажақ харбий хизматчиларга дил сузларини баён қиларкан, юқоридagi воқеа тафсилотини ҳам сузлаб берди.

Шойимардон Тўхтаев отаси билан бошқармага тақлиф этилди.

— Истасангиз, шартнома асосида маъсул лавозимга ишга қабул қиламиз, хоҳланг, сержантлар мактабига ўқишга юборамиз ёки харбий олий ўқув юртиларига ўқиш учун имконият яратиб берамиз, — деди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник О. Умарсулов.

Заҳматқаш инсон, соғиб механикатор, айни пайтда нафақахўр Шонёз ака Тўхтаев ўғли учун булаётган бу тақлифларни қабул қилди. — Мен ва онаси розимиз, фарзандларим истаган йўлидан борсин. Энг муҳими, инсон бўлиб яшаётгани. Эл-юртга фойдаси тегса, бас.

Биз эса юксак муқофот соҳиб, юртоқдамиз Шойимардон Тўхтаевга омад тилаб хайрлашдик.

С. УМАРОВА,
Навобий вилояти.

Кўшхабар

Намангандаги "Атлас" акциядорлик жамияти Жаңубий Кореянинг "Ай-Ди-Эм" корпорацияси билан ҳамкорликда пиллакашлик фабрикасини технология жихатдан қайта қурди...

МАХСУЛОТ — ХОРИЖГА

— Утган йилнинг апрель ойида акциядорлик жамияти Жаңубий Кореянинг "Ай-Ди-Эм" корпорацияси билан ҳамкорликда пиллакашлик фабрикасини технология жихатдан қайта қурди...

Бугунги кунда мазкур корхонада 700 нафарга яқин ишчи-хизматчи ва техник ходимлар икки сменада ишламоқда. Корхонада ҳозиргача 56 тоннадан зиёд ҳақон андозаларига мос келадиган табиий ипак ишлаб чиқарилди.

ШИРКАТ ХўЖАЛИГИ МАКТАБЛАРГА ҲОМИЙ

Янгикўрғон туманидаги "Гулшан" ширкат хўжалиги бошқаруви янги йилдан бошлаб, хўжалик худудидидаги 2-, 15-, 38-мактабларнинг ўқитувчиларини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда рағбатлантиришга қарор қилди.

Қароғга кўра, хўжалик худудидида яшовчи педагоглар оиласига уй-жой қуриш учун ер ажратиш масаласи навбатдан ташқари қўриб чиқилади.

Мақтаблар биноларини таъмирлаш, ўқитувчиларнинг иш ва дам олиш шароитларини янада яхшилаш учун мактабларга шартнома асосида 1 гектардан унумдор экин майдони ажратилади.

Муҳим манба

ёки аграр соҳада энергетика ресурслари ва электр қувватидан самарали фойдаланиш муаммолари

Авалл куйидаги рақамларнинг маъини чақайлик. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 32 фоиздан зиёди агросаноат мажмуида ишлаб чиқарилади. Айнан шу жаҳада энергетика ресурсларининг 6 фо...

— Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот салмоғи, ривожланган давлатларга таққосласак, албатта, оз. Шу билан бирга, энергия сарфи анча юқори. Демак, бу бизни қониқтирмаслиги керак. Чунки сарф-харажат қанча кўп бўлса, таннарх қимматлашади, натижада фойда салмоғи ошмайди. Бунинг сабаблари нимадан деб ўйлайсиз?

— Бу саволингизга бир сўз билан жавоб қилиб бўлмайди. Агар энг кўп учрайдиган жихатларни назарда тутадиган бўлсак, куйидагиларни таъкидлаган бўлардим. Кишлоқ хўжалигида ишлатилаётган техника воситалари бирмунча эскириб борапти. Тўғри, кейинги йилларда замонавий машина-механизмлар кириб келди, лекин улар кифоя эмас. Ҳали иш жараёнларида хос шарт-шароитларни ҳисобга олган, фундаментал илмий изланишларидан асосланган янги ускуналар тизими шаклланди...

Ҳозирги кунда четдан олиб келинаётган технологиялар ҳам ҳаммиша талабга жавоб бермаяпти. Мазкур технологияларни ишлатиш, таъмирлаш, соғлаш ҳамда бу билан боғлиқ кадрларни қайта тайёрлаш тизими амалиётга тула татбиқ этилмаган. Энергия сарфи кўп, деярли эмас. Бундан ташқари, ресурслардан самарали фойдаланганлик учун моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг тақомиллашган механизми йўқ. Афсуски, ҳануз айрим истеъмол...

Агросаноат мажмуи тармоқларида хўжалик бошқаруви механизми ва мулкчилик шакллари ўзгариши натижасида соҳада фойдаланилаётган электр ускуналар ва электротехнологик қурилмаларни эксплуатация қилиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш тизими тар...

изини, электр қувватининг 27 фоизи истеъмол қилинади. Ҳўш, бу рақамлар ози ёки кўпми? Ушбу соҳа муаммоларини тадқиқ этиб келётган олим, техника фанлари доктори, профессор Абдураҳмон РАҲАБОВ билан суҳбатимиз шу хусусда.

қиларда энергияни беҳуда ишлатиш психологияси барҳам топмаган. Бугунги кунда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш жараёнларида энергия сарфининг солиштира кўрсаткичини белгилаб беришчи йўриқномалар етарли эмас.

Шунингдек, аграр соҳада жорий этилган хўжалик юртишнинг янги шакллари (ширкат, фермер ва деҳқон хўжалик л и к л а р и) н и ҳисобга олган ҳолда, энергиянинг аънавий ва ноаънавий турларига мўлжалланган кичик техника ва технологиялар яратиш бўйича илмий изланишларни талаб даражасида, деб бўлмайди. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, шу жумладан, уруғлик маҳсулотларига, ичимлик сувига, қорва чиқиндиларига ишлов беришда юқори самарадорлик омилиларидан бири ҳисобланувчи электрофизик таъсирлардан бевосита фойдаланиш бўйича фундаментал илмий тадқиқотлар сунт амалга ошириляпти. Йирик сув иншоотлари, насос станциялари, дренаж тизимларида энергиядан самарали фойдаланиш бўйича илмий-техник изланишлар ва ташкилий чора-тадбирлар ишлаб чиқишни жонлаштириш зарур.

Агросаноат мажмуи тармоқларида хўжалик бошқаруви механизми ва мулкчилик шакллари ўзгариши натижасида соҳада фойдаланилаётган электр ускуналар ва электротехнологик қурилмаларни эксплуатация қилиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш тизими тар...

— Аҳвол шундай экан, муаммолар ечими ҳақида ўйлаш керак, албатта. Шундай эмасми?

— Жуда тўғри. Агротехника қондаларига риоя қилиш шартлиги ҳаммага аён. Муаммо ечими учун, бундан ташқари, энергияни тежайдиган ускуналар яратиш талаб қилинади. Техноложик жараёнларни жалдлаштирувчи, юқори самарага эриштишни таъминловчи электрофизик таъсирларни бевосита амалиётга жорий этиш лозим. Энергия таъминотида исрофгарчиликни қаматириш, унинг сифат кўрсаткичи меъёр даражасида бўлишни таъминлаш муҳим вазифа саналади. Энергиянинг арзон ва қулай турини танлаш бўйича илмий асосланган, истеъмолчиларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олувчи тавсия ва йўриқномалар ишлаб чиқиши керак.

— Ундай қилиш керак, бундай қилиш керак, дейиш осон. Ҳаётнинг ўзидан келиб чиқайлик... — Мен ҳам ҳаётнинг ўзидан келиб чиқайлик деган фикрларимдан фойдаланиш муаммоларини тадқиқ этиб келётган олим, техника фанлари доктори, профессор Абдураҳмон РАҲАБОВ билан суҳбатимиз шу хусусда.

Фан уюмлари — амалиётга

бор. Чет эллардан олиб келинаётган ускуна ва қурилмалар аграр соҳага мослиги, барча талабларга тула жавоб беришини сертифицициялашни йўлга қўйиш энергиядан фойдаланиш самарасини ошириш омилиларидан саналади. Йирик сув иншоотларида электротехник қурилмаларнинг номинал режимда ишлашини таъминловчи ўлчов-назорат асбоблари ва автоматик бошқаруш тизимини яратиш энергияни тежай билан бирга, қурилмалардан фойдаланиш муддатини узайтиришни ҳам таъминлайди.

— Фандаги ишланмалар халқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг истиқболларини белгилаб беради, деган тўшунча бор. Шундай экан, аграр соҳада энергия самарадорлигини ошириш уфқида нималар қўринадими?

— Эндилкида мавжуд ноаънавий энергия манбалари, худудий хариталарни яратиш, сув, қуёш, шамол энергиялари ҳамда ерости геотермал манбаларидан фойдаланиш бўйича фундаментал изланишларни ривожлантириш зарурати ҳақида гап кетаяпти. Аграр

бошқа кўплаб маданий-маиший объектлар асқарлар хизматига. — Чеғарачи, аввало, мустақил фикрлайдиган, масъулияти ўз зиммасига олиши қодир, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук бўлиши лозим, — дейди Мирза Абдусатторов. — Қисмида ана шундай фазилатларга эга чеғарачилар кўпчилигини ташкил этади. Биз улар билан фахрланамиз.

соҳадаги хўжалик юртиш шакллари (ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари) талабларидан келиб чиқиб, кичик қувватга эга бўлган станция ва харакатланувчи электротехнологик техникалар яратиш долзарб вазифадир. Энергиядан самарали фойдаланишни ифодаловчи асосий кўрсаткич — маҳсулот ишлаб чиқариш энергия сигими билан бир қаторда яқиний маҳсулот сифатини қамраб олувчи ва уларни ўзаро боғлиқликда ифодаловчи эквивалент кўрсаткич киритилишини жорий этиш билан ечимга эришиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг электр қуввати таъминоти тизимида ва соҳа ишлаб чиқариш жараёнларида энергияни тежайдиган техника ва технологиялар яратилиши билан бир қаторда ундан самарали фойдаланиш таъминловчи ташкилий-техникавий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Зеро, энергияни тежай бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва амалиётга қўллаш билан боғлиқ харажатлар уни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлардан 2-3 баробар кам бўлиши амалда тасдиқланган. Бу борада агросаноат мажмуи тармоқларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, электр ускуналари ва электротехника қурилмаларини эксплуатация қилиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш тизимини таъминловчи конюнчилик асослари ва норматив-методий ҳужжатларни ишлаб чиқиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланади.

Республика иклими шароитига хос, бой табиий энергиялардан (қуёш нурининг фотосинтез энергияси ва ерининг агроиклим потенциал) ўсимликхўрликка бириктириш маҳсулдорлигини шаклланишида фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган, биоэнергетика йўналишидаги комплекс илмий-тадқиқот ишлари аграр соҳада муҳандислик фанининг устувор йўналиши деб белгиланиши лозим.


Албатта, бу тақлифлар оқим муддатга мўлжалланган бўлиб, унга ички изланишлар натижасида эришилади.

Ш.ҲАББОНОВ сўхбатлашди.

МАДАНИЯТ янгиликлари

Кўрғазма муваффақият қозонди

Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ рссоми Леким Ибрагимов 1998 йили Бадий академиянинг олтин медали билан тақдирланган. 2001 йили Тошкентда ўтказилган биринчи халқор бадий кўрик — «Биенале-2001»нинг асосий мукофотини олишга муваффақ бўлган. Асарлари Германия, Франция, Япония музейларида, сақланмоқда. Тиниб-тинчимас ижодкор яқинда Халқор рссомлар уюшмаси конференцияси орқали «Шарқ боғи» деб номланган кўрғазмасини Москвадаги рссомлар Марказий уйида, Новосибирск шаҳридаги Давлат галереясида, Германиянинг Мюнхен шаҳрида намойиш қилди. Кўрғазмалар томошабинлар томонидан юксак баҳоланди, оммавий ахборот воситаларида эътироф этилди.



А. ЭГАМБЕРДИЕВ.

Юзинчиси 11 январда

«Обид-А» театрининг «Қизқичларнинг Янги йил табриги» деб номланган спектакли намойиши қизгин паллага кирди. Миллий театрда давом этаётган мазкур спектакль 25 декабрдан буён 90 марта намойиш қилинди. Обид Асомов, Тўхтамурад Азизов, Болтавой Тошматов, Ботир Мухаммадхўжаев сингари танилиқ қизқичлар санъатидан шу кунгача 60 миңдан зиёд болажонларимиз баҳра олишди. Ушбу томоша 11 январгача давом этиб, жами 100 марта намойиш қилинади.

А. САҒАРОВ.

Бердақни ёдлаб

Бердақ номли Қорақалпоғистон давлат мукофоти драма ва комедия театрида улуг шоир, буюк мутафаккир таваллудининг 175 йиллигига бағишлаб тантанали йиғилиш ўтказилди. Уни Нукус шаҳар ҳокими, Бердақ номидаги давлат мукофоти соҳибби Ж. Бердиқонов очди. Бердақнинг адабий ва илмий мероси тўғрисида Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Бегдулла Султонов маъруза қилди. Ўзбекистон Қарақорум Тўлепберген Қаипбергенов, Бердақ номидаги давлат мукофоти соҳиббаси Гулiston Матқубова сўзга чиқдилар.

Я. КҮЧҚОРОВ.

Энг катта сабоб

Йилимизнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши турли маданий-маърифий, кўнгличор тадбирларни янада жонлантиришга яқин бир туртки бўлди. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев маҳалласида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жағмармаси томонидан уюштирилган «Маҳалла — меҳр-мурувват ва ахиллик маскани» деб номланган ушбу анжуманда кўп болали ва кам таъминланган оилалар фарзандлари, ёлғиз кексалар ва ногиронларга биринчи ўринда ёрдам кўрсатиш энг катта сабоб эканлиги таъкидланди. Анжуманда республика ўқувчилар саройининг талабалари хизматда бўлишиб, ўзларининг дидраб қуй ва қўшқилари билан даврага янада файз бағишладилар.

Ҳозирлик қизғин

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жанговар қўшқиларнинг аҳамияти бекиёс. Шу боисдан, турли жанрларда — саф қўшқилари, аскар қўшқилари, тантаналарда ижро этилувчи асарлар, маршлар яратилди. Айни пайтда республика Бастакорлар уюшмасида харбий-ватанпарварлик мавзусидаги бундай асарларни тўплам ҳолида чоп этиш ва мазкур йўналишдаги қўшиқ ижрочиларининг танловини ўтказишга ҳозирлик қўрилмоқда.

С. МУҚИМОВ.

ВАТАНПАРВАР ЁШЛАР МАКТАБИ

САМАРҚАНД. (ЎзА мухбири Акбар ҚАРШИЕВ). Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилояти кенгаши тасарруфидидаги автомактаблар хар йили миллий армиянинг сафарига юзлаб мутахассис етказиб беради. Уларда ёшларнинг харбий-техник махоратини ошириш билан бирга, жисмоний ва маънавий тарбиясига ҳам катта эътибор қаратилади.

Мақтабларни хар йили ўз касобини пухта эгаллаган, жисмонан бақувват, харбий соҳага меҳр қўйган юзлаб ёшлар битириб чиқмоқда. Утган йили 941 нафар ана шундай мутахассис Куролли Кўчларимиз сафига қўшилди.



Раъно Одилова «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тизимидаги Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи» очиқ акциядорлик жамиятига дурадгор бўлиб ишлайди. У вагонларнинг ички қисмини аёлларга хос нозик дид ва нафосат билан таъмирлашда ҳамкасбларига ўрнак.

Суратда: Раъно Одилова. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ИШОНЧЛИ ҚўЛАРДА

ташкил топади. Шу боис чеғара қўшиларидаги бундай кадрларни танлаш ва тайёрлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Майор Мирза Абдусатторов командир бўлган харбий қисмда шартнома асосида хизмат қилаётган ёшлар чеғараларимизнинг доимо тинч ва осойишталигини таъминлаш учун бор куч-гайратини сафарбар этмоқда. Қисмда жангчиларнинг харбий хизматини намонали ўташи учун барча шароит яратилган. Кенг ва ёруғ қазармалар, замонавий ошона, катта китоб фондига эга бўлган кутубхона, спорт майдончалари ва

Мамлакатимизда мактаб дарсликларининг янги авлодини яратиш тизимини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада Халқ таълими вазирлиги Осмё Тараққиёт банки кредит маблағи ҳисобидан амалга ошираётган «Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётларини нашр этиш тизимини тақомиллаштириш» лойиҳаси ўз самарасини бермоқда.

Энди янги дарсликларнинг замон талабларига мослиги мукамал синовдан ўтказилади деган бўлди. — Уқувчиларни ижара усулида дарслик билан таъминланиши сабаб адабиётлар мазмунига тўрт йил давомида ўзгартиш киритилмади. Шу боисдан уларнинг мазмуни, матбаа сифатини аниқлаш мақсадида синов ўтказилади. — деди республика Таълим маркази директори ўринбосари Моҳи-ра Солиқова ўзА мухбирига. — Хар бир дарслик Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг

Қарзни албатта узиш керак. Бу оддий ҳақиқатни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин баъзан ҳаётда шундай ажаб савдолар бўладики, улар ҳақида батафсилроқ сўзлашганимиз иложи йўқ. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ходимлари бир вақтлар анча шов-шувга сабаб бўлган бу ишни ҳануз кўнглида гашик билан эслайдилар.

Ҳақимовнинг сўзларига қараганда, бу саволингизга бир сўз билан жавоб беришдан аввал биз шу масала тарихи тўғрисида бироз тўхталиб ўтамиз. Кўнларнинг биринчи Сурхондарё вилояти, Денов туманида истиқомат қилувчи Олимжон Исоқовга фермер хўжалиги очиш учун кредит керак бўлди. 2002 йилнинг май ойи охирида у қарийб 40 миллион сўм сўраб Миллий банкнинг Термиз бўлимига мурожаат қилди. Бунда у анча жиддий икити хатога йўл қўйди: бизнес-режада пул маблағлари қисми қандай бўлиши кўрсатилмаган, гаровга қўйилган мулк қиймати эса етарли эмас эди. Ҳужжатлар пухталаштириш мақсадида қайтариб берилиши учун шунинг ўзи кифоя қиларди. Банкнинг кредит бўлими шундай қилди ҳам. Олимжон Исоқов эса бундан қаттиқ ранжиди. У ҳаммасига банк ходимлари айб-

Ажаб савдолар

гапга бориб тақалган. Бирок фақат мутлако масъулиятсиз, неқбин одамгина банк ходимлари хар қанча истасалар-да, фермернинг умидларини оқлаш имконига эга эмасликларини тушунамслиги мумкин эди. Башарти ҳужжатлар жиддий камчиликлар билан расмийлаштирилган экан, ҳеч ким, ҳатто М и л л и й банк марказий аппарати раҳбарлари ҳам бундай қарор учун шахсий жавобгарлиқни ўз зиммасига олмайди. Зеро, ўзингиз тушуниб турганингиздек, бундай қарор ноқонуний бўлиши турган гап эди...

Мамлакатимиздаги йирик даврий нашрлардан бирининг вакили Миллий банк марказий офисида тез-тез кўнгирик қилиб турган. Ҳақимовнинг ўзининг изқувларига хос хатти-харакатлари билан уларга тўғридан-тўғри тазийқ ўтказишга уринган.

Ўз жойида бўлмагани учун ният амалга ошмади. Аммо банк марказий аппаратининг ташаббуси билан иккинчи марта уринилганда учрашув бўлиб ўтди. Сўхбат 2002 йил 2 августда ўтказилди. Чамаси, бу сафар Олимжон Исоқов банкнинг адолатли эътирозлари моҳиятини англагандек бўлди. Харқалай,

дан қочиб юрибди. Чамаси, у кредит бўйича ҳисобланган фоизларни ҳам, асосий қарзнинг тегишли қисмини ҳам тўламоқчи эмасга ўхшайди. Нима учун бундай қилаётганини фермернинг ўзи билади. Ушбу сатрлар ёзилган вақтга келиб, фермер асосий қарзнинг тегишли қисмини тўлаш муддатини бизгандан буён қарийб икки ой ва кредит бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаши лозим бўлган фурсатдан бошлаб, 10 ойдан ортиқ вақт ўтди. Ташқи иқтисодий фаолият илмий банки ходимлари ушбу кредитни суғурталган «Мадад» суғурта агентлигига мурожаат қилдилар. Наҳотки, бу сафар фермернинг «Бўлса булар, бўлмаса говлаб кетар» қабилида иш тутиб, бепарво юриши, масъулиятсизлиги туфайли қарзни бошқалар тўласа? Олимжон Исоқов «сувдан қуруқ чиқиб» кетавердимми? Бундай адолатсизликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, барча замоналарда қарзни қайтариш ҳалоллик белгиси, виждонли инсоннинг ҳалоллиги рамзи бўлган. Тўқтин ТОШИМОВ.

Коллежда мини банк

Урганч иқтисодиёт касб-хунар коллежида мини ўқув банки иш бошлади. Ушбу мини банк зарур хизматлар, компьютерлар билан таъминланган. Мини банк вилоятдаги ўрта махсус таълим тизимида банк хизматини амалга оширадиган, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес-

Ўтган ҳафтада Жанубий Осиё давлатлари раҳбарлари Покистон пойтахти — Исломободда йиғилиб, минтақа муаммоларини муҳокама этишди. Саммит сўнггида улар ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳақида келиши олдлар. Аммо саммитдаги асосий масала шу бўлди, дейиш хато. Чунки жаҳон оммавий ахборот воситалари асосий эътиборни Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важапай ва Покистон Президенти Парвез Мушарраф ўртасидаги учрашувга қаратишди.

Февраль ойида бўлиб ўтадиган музокараларда асосан Қашмир масаласи муҳокама этилади. Шунингдек, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги транспорт алкаларини тиклаш масаласи ҳам музокаралар кун тартибидан ўрин олган.

ҳам фойдали бўлар эди, аммо бу келажакдаги вазифа, — деди Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Махер. — Қачон шундай қарор қабул қилинса, бу ҳақда биз ўзимиз айтмишамиз».

Ахмад Махернинг бу гапларига қарамай, расмий Техрон амалий ишларни бошлаб юборди. Сешанба куни Техрон мэрияси Халид Ислому Були кўчасини бошқача номлаш ҳақида қарор қабул қилди. Халид Були Миср президенти Анвар Саодатнинг ўлдирлишида иштирок этган ва Эроннинг миллий қаҳрамони ҳисобланарди.

Нима бўлганда ҳам, музокараларнинг бошланиши ёки алоқаларни тиклаш тўғрисидаги гапларнинг пайдо бўлишининг ўзидек кишида ишонч уйғотади. Ва у, сўзсиз, давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг иликлашишига омил бўлади.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ.

Ноқонуний муҳожирларга руҳсат берилади

АҚШ Президенти Жорж Буш Оқ уйда махсус чиқиш қилиб, Американинг муҳожирлар бўйича сиёсатига сезиларли даражада ўзгартириш киритиш зарурлигини таъкидлади. Айни пайтда, АҚШда 8 миллиондан ортиқ ноқонуний муҳожирлар бор. Президентнинг фикрича, уларнинг мақомини қонунийлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Илгари сурилатган таклифда, ноқонуний келган муҳожирларнинг нафақат ҳуқуқи, балки ҳавфсизлиги таъминланиши ҳам назарда тутилган. Мутахассисларнинг маълумотига кўра, АҚШ фуқароларининг ўртача уч фоизини ноқонуний муҳожирлар ташкил этади.

Бош вазирнинг режалари

Греция Бош вазири Костас Симитис мамлакат парламентида сайловлар 7 мартда ўтказилиши режалаштирилганини маълум қилди. Бундан ташқари, у Панэллинск социалистик ҳаракати партияси раҳбарлиги лавозимидан истеъфога чиқиш мақсади билан ишдан ҳам айди. Симитис партия етакчилигида мамлакат ташқи ишлар вазири Георгиос Папандреу номзодини кўрсатмоқчи. Бош вазир Грецияда чуқур ислохотлар ўтказиш ва Европа Иттифоқи билан интеграциялашувида, янги сиёсатчилар авлоди масъулиятни ўз зиммасига олиши лозимлигини қайд этди.

Қандаҳордаги қўпоровчилик

Ўтган сешанба куни Қандаҳордаги Америка ҳарбий базаси ёнида кучли портлаш юз берди. Қўпоровчилик оқибатида 16 бегунох одам қўрбон бўлди. Уларнинг кўпчилиги болалар. Мактаб ва атрофдаги биноларга ҳам жиддий зарар етказилди.

Қандаҳордаги террорчиликни «Толибон» ҳаракати ўз буйига олди.

Собиқ диктатор саратон касалига чалинган

Кувайтда чоп этиладиган «Ал-Анба» газетаси Ироқ раҳбариятидан олинган маълумотга таяниб тарқатган хабарга кўра, диктатор Саддам Хусейн саратон касалига чалинган. У кўлга тушгандан сўнг тиббий кўриқдан ўтказилган ва мазкур касаллик аломатлари аниқланган.

Шифокорлар Ироқ собиқ Президентининг бор-йўғи бир ярим-икки йил умри қолганини айтишмоқда. Манбаларда айтилишича, терговчиларнинг бир неча саволларига у жавоб беришдан бош тортиди.

Талабалар намойиши

Гаитида мамлакат Президенти Жан-Бертран Аристидга қарши талабалар намойиши бўлиб ўтди. Намойишчилар ва Президент тарафдорлари ўртасида тўқнашув содир бўлди. Оқибатда ўнлаб одам ҳароқатланди. Тўқнашуви полиция кўздан ёш оқувчи газ орқали тарқатиб юборишга муваффақ бўлди.

Талабалар мамлакат раҳбарининг ўз ваколатларини кенгайтириши ва ижтимоий дастурларни бажармаётганлигига қарши норозилик билдиришмоқда.

2050-йилдан сўнгра...

Илмий тадқиқотлар ер шарида иқлимнинг йилдан-йилга тез ўзгариши табиатга катта салбий таъсир қилаётганини кўрсатмоқда. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2050-йилга бориб миллионлаб биохилма-хилликнинг йўқ бўлиб кетиши ҳавфи бор.

«Нейчур» илмий журналида дунёнинг олти ҳудудида ўтказилган илмий-тадқиқотлар натижаси ҳақида мақола чоп этилди. Унда айтилишича, тез орада ҳайвонот олами ва ўсимликларнинг бир неча тури бутунлай йўқ бўлиб кетади.

ТомуВлик сари одил

Маълумки, бу икки қўшни мамлакат ўртасидаги алоқалар Қашмир мижозаси тўғрисида, бундан тўрт йил олдин узилиб қолган эди. Орадан икки йил ўтгач, вазият шунчалик кескинлашиб кетдики, бундан нафақат минтақа мамлакатлари, балки жаҳон ҳамжамияти ҳам таъшишга туша бошлади. Сабаби — ҳар икки давлат ҳам ядро қуролига эга. Агар уруш бошлангудек бўлса, катта фожияларни келтириб чиқариши мумкин.

Саммит дастурида икки давлат раҳбарларининг учрашуви белгиланган бўлса-да, икки томонлама музокаралар кўзда тутилмаганди. Шунинг учун ҳам, Ҳиндистон бош вазири Исломободга жўнаш пайтида журналистларга берган интервьюсида: «Ҳеч қандай икки томонлама музокаралар бўлмайди. Саммит муваффақиятли ўтиб, ҳамкорликка йўл очса, шунинг ўзи етарли. У бошқа муаммоларнинг ҳал этилишига туртки бўлади», деган эди.

Бир неча йилдан буён салкам уруш ҳолатида турган икки давлат раҳбарларининг учрашуви, нафақат Жанубий Осиё, балки бутун минтақа барларининг музокараларни бошлаш тўғрисидаги қарорини маъқуллади. Америка Қўшма Штатлари ҳукумати вакили ҳам, саммитдаги учрашув тинчликка эришиш йўлида янги қадам бўлишини таъкидлади. Покистон Президенти Мушарраф эса, Важапай билан музокараларни бошлаш тўғрисида эришилган келишувни тарихий воқеа деб атади.

Маълумки, Ҳиндистон Покистонни Қашмирдаги айирмачиларни қўллаб-қувватлаётганлигида айбоб қилади. Покистон томони эса бунни рад этади. Важапай ва Мушарраф учрашуви чоғида шу масала яна қайта кўтарилди. Мушарраф Покистон назаратидаги ҳудудларни террорчилар фойдаланишига йўл қўймасликка ваъда берди. Икки давлат раҳбарлари учрашуви-

ОЛАМ НАФАСИ Янгиликлар, воқеалар, далиллар

«Пармалат» сутчилик компаниясининг инқирузи дунё бўйлаб жанжалларга сабаб бўлмоқда

Италиянинг «Пармалат» компанияси инқирузга учраганидан сўнг унинг атрофидаги тортишувлар тобора кучайиб бормоқда. Бундан биринчи аввал, дунёда сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг йирик компаниялардан бирининг иқтисодий синиши, кўпчиликнинг тушига ҳам кирмаган бўлса керак. Чунки сутни барча озуқавий компонентларини сақлаган ҳолда юқори даражада ишлаш ва уни узоқ муддат сақлаш бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирининг турадиган компаниянинг синиши дефляцияга ҳеч қандай асос йўқ эди.

Бундан ташқари, дунёда унинг турли хил шарбат, пиширилари, йогурт, витаминлаштирилган маъданли сувлари ва яна бир неча турдаги маҳсулотларини хуш кўрадиганлар кўп бўлади.

Компаниянинг номи Parma — Италиянинг экологик тоза ҳудудларидан бирининг номи ва Latte — италиянча сут сўзлари бирикмасидан ташкил топган. Унинг асосчиси Каллисто Танци компанияни 30 йилдан камроқ вақт ичида кичик маҳаллий корхонадан транснационал корпорацияга айлантирди. Инқирузга учрагунга қадар «Пармалат»нинг беш китъанинг 27 давлатида



119 та корхонаси мавжуд эди. Йиллик айланма маблағи 5,5 миллиард доллардан ошарди. Аммо ўтган йилнинг охирида компания раҳбарияти унга тегишли маблағларнинг бир қисми қозғода эканини ва 4 миллиард евро маблағи бўлган ҳисоб рақами қаергадир гойиб бўлганини маълум қилди. Шундан сўнг, акцияларнинг катта маблағларни ўзлаштиришган. Компаниянинг ҳамкорлари эса ўз улушини орқага қайтаришни талаб қилишаётди. «Пармалат»нинг синишидан Италия, АҚШ, Германия ва Испания банклари катта зарар кўрмоқда. Ишлаб чиқарувчилар эса ҳимоя талаб қилишмоқда. «Пармалат»-Бразилияда маҳаллий фермерлардан кўп сут сотиб оларди. Ҳозир компания фермерлар билан тузилган шартнома-лар бўйича тўловларни тўхтатган. Фермерлар мамлакат қишлоқ хўжалик вазирлигидан кўмак сўраб мурожаат қилишди. Италиялик фермерлар бундан ҳам қийинроқ ахволда қолишди. Ҳукумат томонидан тузилган махсус комиссия компанияни жар ёқасидан олиб чиқиш учун имконият қидирмоқда. Дарвоқе, Parmalata тегишли «Парма» футбол жамоаси ҳам сут жанжали қозонида қайнамоқда. Энди унга ким ҳомийлик қилади? Касод тўғрисида компанияда ишловчи 35 миң кишининг келажиги ҳам ҳозирча ноаниқ бўлиб турибди.

Салим ДОНИЁРОВ.

Чарчаш синдроми даволаш мумкин

Лондондаги Хаммерсмит госпитали тадқиқотчилари одамларда сурункали чарчаш синдроми пайдо бўлиши сабабларини аниқладилар. Бу касалликка мубало бўлган беморларда аввал шомоллашга ўхшаган белгилар пайдо бўлади, касал ўзида жисмон ва ақлий беҳоллик сеза бошлайди. Энг ёмони, бундай ҳолат узоқ йиллар давом этиши мумкин. Кўпинча касаллар тўшаққа михланиб қолишади.

Олимлар миалгик энцефаломелит, яъни сурункали чарчаш синдроми билан ораниган беморлар миясини текшириб, ёғ кислотаси молекулалари тузилишида бузилиш борлигини аниқладилар. Касаллар таркибиде баланг ёғи бор дори-дармонлар билан даволанганда, мия тўқималаридаги ёғ кислотаси тузилишидаги бузилишлар

аста-секин тузалиб борган. Хаммерсмит госпиталининг нейробиохимия мутахассисларининг фикрича, касалликни даволаш йўли топилди, аммо унинг нимадан пайдо бўлаётганини аниқлаш қийин кечапти.

Валидол... сотилмайди

Шу йилнинг 1 майдан бошлаб Литва дорихоналарида Россия ва Украинада ишлаб чиқарилаётган валидол, қарвалол, активлаштирилган қўмир каби дорилар сотилишига йўл қўйилмайди.

«Бу дориларни ишлаб чиқарувчилар бизга шу пайтгача махсулотлари Европа стандартларига жавоб беришини исботлайдиган сертификатлар тақдим қилмадилар. — деди Литва Дори-дармонлар назорати бўйича давлат хизмати раҳбари Витаутас Бастис. — Шунинг учун улар Европа Иттифоқи давлатларида дори экспорт қила олмайдилар. Литва эса жорий йилнинг май ойидан ЕИ га аъзо бўлади».

Шаҳ қум харид қилмоқчи

Бирлашган Араб Амирликларининг катта ҳудуди қум барханларидан иборат. Лекин шу мамлакатда яшовчи шайх Муҳаммад бин Рашид ал-Мактум Англиядан қум сотиб олишга қарор қилди. Гап шундаки, шайх от пойғаларига жуда ишқибоз. Яқинда у отчопари ижарага олиб, пойға майдонига қум тўшамоқчи бўлди. Аммо БААдаги қумлар сифати унга унча маъқул келмади. Шунинг учун, Англия-

тун бир мамлакатнинг қанча туришини аниқлаб бўладими?

«Ха, аниқлаш мумкин, дейишмоқда Буюк Британия миллий статистика хизмати ходимлари. Уларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Буюк Британиянинг умумий нархи 4 триллион 983 миллиард фунт стерлингга тенг. Бунга аниқлаш учун мамлакатдаги ерлар, кўчмас мулклар, саноат корхоналари, қўйингки, барча бор нарсанинг нархи ҳисоблаб чиқилди.»

Мамлакатнинг баҳоси

Бирор уй ёки заводнинг нархини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Аммо бу-

Senior Commercial/Economic Officer BRITISH EMBASSY TASHKENT. The British Embassy is looking for a full-time, experienced Senior Commercial/Economic Officer to work in its Trade and Investment Section. Knowledge of English, Russian is essential and Uzbek is desirable.

TEZINTOM. ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛҶОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТҚАЗИЛГАН ТУРЛАРИНИ ТАҚДИМ ҚИЛАДИ. ТУРАИ РАҲБАРАТИ ҲА АЗМАНАВИЙ ТОМ ИЛЖОР АНЖОМЛАРИДА ИБОРАТ БУЛАШНИ ТОМАРА ТУЛАК КОМПЛЕКТАЛАРИНИ ТЎШИРИШИ.

SPORT Рингда яна Льюис ва Кличко. Ўта оғир вазнининг WBC йўналишидаги жаҳон чемпиони Леннокс Льюис украинлик боксчи Виталий Кличко билан тақрорий «жанг» ўтказишга розилик берди. «Льюис фақат битта шарт қўйди, — деб ёзди Британиянинг «The Sun» газетаси. — Беллашув учун англиялик боксчи 15 миллион фунт стерлинг тўлашиши керак».

(Давоми. Бош 1-бетда).

Пул соғлиқдан афзалми?

корхоналарда, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, вилоят электр тармоқлари идораси, Давлат солиқ бошқармаси каби бир қатор жамоаларда ходимларнинг бўш вақтларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит муҳайё. Спорт заллари, жиҳозлари учун сарфланган маблағлар ўз самарасини кўрсатмоқда.

Республика чемпиони Абдумажид Хотамов ўз ҳисобидан 15 миллион сўм сарфлаб, Навоий шаҳрида йирик спорт қошонаси қурди. «Алпомиш» деб номланган ушбу марказда кунига 1000-1200 нафар ёш ўз саломатликларини мустаҳкамлаш билан бирга спортнинг турли соҳалари бўйича машқларда қатнашмоқда. Уларнинг қарийб ярмига бепул хизмат кўрсат

тилаётир.

— Миллат соғлиғи ҳар нарсадан устун, — дейди Абдумажид. — Келажакни фақат ва фақатгина соғлом авлод тимсолида кўриш мумкин. Хар бир маҳаллада спорт майдончалари бунёд этишга жой ҳам, маблағ ҳам топилади. Озгина ҳафсала бўлса, бас. Ахир, минг карра бойликдан бир карра соғлиқ афзал-ку?!

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Нуритдин Ташевнинг айтишича, ҳозирга қадар жамғарма ҳисобига 339 миллион сўмдан ортиқ маблағ тўшди. Бу маблағ бир неча спорт иншоот-

лари қуриш, жиҳозлар харид қилишга сарфланаётир. Мақтаб, маҳаллаларга 35 миллион сўмлик жиҳозлар тарқатилди. Маблағлар оқими тўхтагани йўқ.

Кўришиб турибдики, спортни оммавийлаштириш, соғлом авлодни вояга етказиш учун маблағни аямаётганлар кўпчиликини ташкил этади. Мақсад битта: жисмоний тарбия ва спорт кундалик эҳтиёжга айлансин.

Ахир, кечагина эмасмиди, бутун бир миллат фарзандларига «Харбий хизматга ярамайди, нимжон, касал-манд» деб таъна тошлари отилгани! Бугун юртимиздан етишиб чиққан жаҳон чемпи-

онларини санаб кўринг-чи? Яна спортнинг қайси турларидан денг? Ўша «нимжон»лар қатнаша олмайдиган кураш, бокс, дзю-до, каратэ кабилардан-а.

Ўрни келганда айтмоқ жоиз: миллат соғлиғи, келажак тақдирига йўналтирилган саъй-ҳаракатларга ҳанузгача бефарқ қараётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Ташкилот, корхона, муассасада бошлиқман деб юрган жаноблару хонимларнинг ўзи спортга қайишмас, фойдасини тушунишни хоҳлашмас, ундан ёмони йўқ. Баъзи ҳокимлар эса бу соҳадан сўз очилганда ҳаводан олинган рақамларни қалаштириб ташлашади. Ас-

лида-чи? Ўша ўйингоҳ янтоқзорни эслатади, ўша маҳаллада спорт майдончаси мавжуд эмас. Масалан, Кармана туманидаги маҳаллаларнинг ҳеч бирида спорт майдончалари йўқлигига нима дейсиз? Навоий, Хатирчи, Навбахор туманлари худудида яқин орада одам қадами тегмаган ўйингоҳлари учратайсиз. Баъзиларнинг бир бурчагида болалар тўп суришаётган бўлишса, асосий қисми моллар яйраб юрган яйловни эслатади.

Юракда хоҳиш-истак бўлмаса, ҳаммаси бекор. Ўзининг, қишлоғининг, маҳалласининг, қолаверса, миллатининг тақдирини ўйла-

маган раҳбардан ҳеч иккиланмай воз кечиш даври келди. Аслида, ажаб-тоғур ўйингоҳни пахтазорга, қурилиш майдонига айлантирганлар ҳам шундай ношуд раҳбарлардир.

Менга қолса, бундайлар учун мақоламиз бошида келтирилган дўстимнинг саволини такрорлардим: «Пул афзалми ё соғлиқ?» Юртимизда «жўш урган соғломлаштириш йўлидаги қудратли тўлиқдан четда турши инсофсизлик эмасми?»

Бошқачароқ айтганда, миллат келажagini ўйламаган раҳбар юрт фаровонлиги, миллат саломатлиги йўлида астойдил жон куйдириши дарғумон.

Абдуҳақ ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Оғоҳлик, «Ўз уйингни ўзинг асра» деган қоида бугун ҳаммамиз учун зарур ва бу ҳар нафасда нафақат тилдаги жарагондор иборага, балки саябамалимизга ҳам айланмоғи лозим. Божхона ходимлари учун эса бу шор ҳаётини дастурламал вазифасини ўтамоқда. Хўшёрлик ва оғоҳлик уларнинг кундалик турмуш тарзи ҳисобланади. Қўнғирот туманидаги «4-Довутога» Божхона пости ходимлари Азат Қўнғиротов ва Қалмурот Реймовлар (суратда) ҳам ўз вазифаларининг нақадар масъулиятли эканлигини яхши англашади. Шу тўғрисида нақадар муҳим бўйлик ташувчилар ва умуман, гараз мақсадларда чегарани бузиб ўтувчилар ҳеч қачон уларнинг зийрак нигоҳларидан қочиб қўтулолмайди. Н. АЛМУРДОВ олган сурат.

BRITISH COUNCIL

The British Council and the State testing centre of the Republic of Uzbekistan are undertaking the TESTING DEVELOPMENT PROJECT in 2004 and are looking for project team members.

The requirements for applicants are:

- high level of English proficiency
- at least 5 years of teaching experience
- experience in test development
- basic computer skills

Initially a group of 8 teachers from Tashkent and other cities will be selected.

Please send:

- a full CV including academic and professional background and qualifications
- the names of two professional referees
- an essay (about 500 words) explaining your suitability for the project

to one of the addresses below by 16 February 2004. Applications received after that date will not be considered.

Addresses:

Gulnoz Nadjemidinova British Council	11, D. Kounaev Street, Tashkent 700031 Tel: 120 67 52 120 67 53 Fax: 120 63 71	Abdurashid Solijonov State testing centre	12, Jahon Obidova street Tashkent, 700084 Tel: 137 53 89 35 19 14 Fax: 137 53 89
---	--	--	--

e-mail: gulnoz.nadjemidinova@britishcouncil.uz e-mail: solijonov@yahoo.com

Британия Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази 2004 йилдан тест тизимини такомиллаштириш бўйича қўшма лойиҳа устида иш бошлади ва ушбу лойиҳада қатнашувчилар (инглиз тили ўқитувчилари) учун танлов эълон қилади.

Танловда қатнашувчилар учун талаблар:

- инглиз тилини юқори даражада билиши
- 5 йилдан кам бўлмаган ўқитувчилик стаж
- тест топшириқларини тузиш бўйича тажрибага эга бўлиши
- компьютерда ишлаш олиши

Тошкент шаҳри ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидан 8 нафар ўқитувчи танлаб олинади.

Танловда қатнашиш учун 2004 йил 16 февралгача **инглиз тилида** қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши зарур:

- асосий иш фаолияти (ўқиш даврини қўшган ҳолда), квалификацияси ҳақида тўлиқ маълумот (резюме);
- тавсифнома бера оладиган икки шахснинг исми, шарифи, манзиллари;
- ушбу лойиҳада қатнашишга лаяқатли эканлигини тушунтирувчи ёзма иш (тахминан 500 сўз).

Кўрсатилган мuddатдан кейин қабул қилинган ҳужжатлар кўрилмайд.

Маълумотлар қуйидаги манзилларнинг бирига сўзатилиши мумкин:

Нажимидинова Гулноз Д. Кўнаев к., 11 Британия Кенгаши	Тошкент, 700031 Тел: 120 67 52 120 67 53 Факс: 120 63 71	Солижонов Абдурашид Давлат тест маркази	Жаҳон Обидова к., 12 Тошкент, 700084 Тел: 137 53 89 35 19 14 Факс: 137 53 89
--	---	--	--

e-mail: gulnoz.nadjemidinova@britishcouncil.uz e-mail: solijonov@yahoo.com

«ВОЛГА» автомобиллари

пул ўтказиш йўли билан **СОТИЛАДИ**

«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги оғбордан ГАЗ-3110, ГАЗ-3102 автомобилларини, шунингдек, «Газель» русумидаги юк машинасини тақдир этади.

Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.

Телефон: 119-21-83.

Ушбу жойда Сизнинг рекламangиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Сизни қўйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қavat, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.

Газетанинг 3 январь сонидagi Пулрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармаси Навоий вилояти марказининг нишотларни тўлиқ қуриб битказиш бўйича тендер эълонининг 3 бадидаги «Навоий вилояти Коинмех тумани марказидagi маданият саройини 300 ўқувчига мўлжалланган касб-хунар коллежига қайта таъмирлаш объектининг бошланғич нархи 838,12 миллион сўм», деб ўқилсин.

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Сизни қўйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қavat, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.

Халқ Банки — Сизнинг Оилангиз Банки!

Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон Республикаси худудидан ўтаган қисмини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш бўйича Бош бошқармаси жамоаси Бош бошқарма бошлиғининг Сурхондарё вилояти бўйича муовини Чори Баҳромовга онаси

МАЛИКАХОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'ZLOTTO»

«O'zlotto» лотереяси 1-тиражнинг **Ҳисоботи**

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган «Телевизион, сонли «O'zlotto 6,40» лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари» асосида ўтказилди.

Тираж ўтказилган сана: 2003 йил 3 январь
Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 26 37 34 13 33 22

Ҳисоботи:

Ютуқ категорияси	Ютуқ номи	Ютуқлар сон
6 та тўри топилаган сон учун	10 000 000 + Nexia	0
5 та тўри топилаган сон учун	518325 сўм	1
4 та тўри топилаган сон учун	14869 сўм	12
3 та тўри топилаган сон учун	3076 сўм	203

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилиди. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 10 январь куни ўтказилади.

Кейинги тиражнинг Жек-пот суммаси: **100 000 000 сўм + «Nexia» автомобили.**

«Мультилот» қўшма корхонаси

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДУГАЙ, Ш. ЖАВБОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО (масъул котиб — «Народное слово»), М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. САФАРОВ, И. УТБОСАРОВ, О. ҚАШБЕРГЕНОВ, А. ХАЙДАРОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сўбсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маназиш ва маърифат — 136-35-60;
Газетачилар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 274, 31749 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Қозғ бичими А — 2. Офсет усулида босилган.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда оператор **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А.Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров.
Навбатчи — М. Нормуродова, Мусаҳҳих — М. Сулаймонова.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қозғдан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.00

- 2 3 4 5 6